

## ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТОПИЛГАН СЎНГГИ ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Жумаев Рустам

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7559780>

Фарғона водийси ҳудудлари ибтидоий даврларданоқ одам яшаши ҳамда тараққий қилиши учун жуда қулай палеоэкологик шарт-шароитларига эга бўлган. Сўх дарёсининг юқори қисмларидан нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда энг қадимги маданий ёдгорликлар саналадиган Селунгур, Чашма каби илк палеолит даврига оид маконлар топиб ўрганилган. Улардан Селунгур ёдгорлиги олмашумул аҳамиятга молик маълумотларни берган. Бу ердан Фергантроп ёки Фарғона одами суяк қолдиқлари аниқланган ва улар ҳозирда Марказий Осиёда маълум бўлган энг қадимги палеоантропологик топилмалар ҳисобланади. Ғорнинг маданий қатламларидан ўша давр (1,5 млн. йиллар муқаддам) палеоэкологияси борасида муҳим палеофаунистик ҳамда палеофлора қолдиқлари топиб ўрганилган. Шунингдек, Селунгурнинг 8 маданий қатламларидан 5000 дан зиёд тош буюмлар аниқланганким, улар Осиёча ашель маданиятига ажратилган. Маконнинг маданий қатламлари 1,5 миллион йиллар билан саналанган ва у Марказий Осиё ҳудудларида ҳозирда маълум бўлган энг қадимги ёдгорликдир.

Селунгур ғори яқинидаги Чашма қишлоғидан йиғиб олинган тош буюмлар ҳам ўзига хос бўлиб, улар илк палеолит даврининг ўрталари учун хосдир (300 минг йиллар муқаддам).

Ўрта палеолит (100-40 минг йиллар) босқичига оид ёдгорликлар Фарғонадан Қувасойга борадиган йўл бўйида аниқланган ва улар ушбу жой номи билан Қалъача 1-5 топилмажойлари сифатида фанга киритилган.

Мезолит ёки ўрта тош даврига оид бир қатор ёдгорликлар Фарғона вилоятининг Сўх тумани ҳудудларидан топилган ва улар Обишир мезолит (IX-VII минг йилликлар) маданияти номи билан машҳурдир. Сўнгра, ушбу мезолит даври жамоалари Марказий Фарғонадаги ўзига хос неолит (IV-IV минг йилликлар) маданиятини келтириб чиқарганлар.

Кўриниб турибдики, Фарғона вилояти ҳудудидан тош даврининг барча босқичларига оид ёдгорликлар, маданиятлар аниқланган. Бироқ, ушбу ҳудуддан ҳанузгача палеолит даврининг сўнги босқичига (40-12-минг йилликлар) оид ёдгорликлар аниқланмаган эди.

2011 йилда Республикамизнинг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Қўқон шаҳри инфраструктурасини қайта яратиш” тўғрисидаги фармонига асосан Қўқон ва унинг атрофида археологик тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар бир неча йўналишда амалга оширилиб, улар қаторида ушбу ҳудуднинг тош даврини ўрганиш бўйича ҳам гуруҳ тузилган эди. Гуруҳ аъзолари сўнгги йилларда минтақада тадқиқот ишларини олиб бориб, сўнгги палеолит даврига оид қатор янги ёдгорликлар топишди.

Қўқон палеолитчилар гуруҳи Яйпан туманидаги Жонобод қишлоғининг юқори чеккасида жойлашган қайроқли-тошлоқ ҳудудида археологик қидирув ишларини олиб борди. Натижада, ушбу қайроқли-тошлоқлар ҳали она заминимиз пайдо бўлгунга қадар вужудга келганлиги ва бу жойлар улкан Тетис денгизининг бир бўлаги бўлганлиги аниқланди. Бу ердан топилган чиғаноқлар қолдиқлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ана шу қайроқли тепаликларнинг қуйи қисмлари аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуддан бир қадар баланд бўлиб (денгиз сатҳидан ўрча 500 метр баландликда жойлашган), неоплейстоцен даврида (40-12-минг йилликлар) Қўқон ва унинг атрофи ҳудудлари сув ҳавзалари билан қопланганлиги ва айнан ушбу қайроқли тепаликлар соҳил бўлганлигини кўрсатади. Қадимги тош даврида яшаган ибтидоий одамлар эса ушбу соҳилларга ташриф буюришиб, овчилик, теримчилик, терига ва суякка ишлов бериш ишлари билан шуғулланганлар. Эҳтимол, қайроқли-тепаликларда уларнинг мавсумий манзилгоҳлари ҳам бўлган, Бироқ, плейстоцен ва ундан кейинги даврлардаги қор-ёмғир сувлари бу тепаликларни тез-тез ювиб турган. Натижада, бу ерда мавжуд бўлган ибтидоий маконлар пастга оқизиб кетилган бўлиши мумкин. Бу ердаги табиий тошларнинг аксарияти шундай оқизишлар туфайли бир-бирига урилиши ва термик таъсирлар оқибатида парчаланиб кетган. Аммо, таъкидлаш жоизки, ушбу тепаликлардаги тошлар орасида ибтидоий одамлар томонидан тош қуроллар ясашлари учун яроқли бўлган жинслар ҳам талайгина. Буларга кремнийлашган тош жинслари, қайроқтошлар ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин. Энг муҳими, бу ердаги тош уюмлари орасидан палеолит даври одамлари томонидан ишлов берилган тош буюмларнинг топилиши бўлди. Шундай қилиб, Жонобод қишлоғининг юқори қисмидан тошдан ясалган, терига, ёғочга ҳамда суякка ишлов бериш учун мўлжалланган тишсимон ретушли, ўйиб-кертиб ишланган тош қуроллар, ҳамда ҳайвон суякларига ишлов берадиган тош кесгичлар топилди. Ушбу тош буюмлар ишланиш техникасига кўра сўнгги

палеолит даврининг бошлари, яъни милoddан аввалги 40-минг йилликлар билан саналаниши мумкин.

2011 йилнинг ёзида Қўқон палеолитчилар гуруҳи Учкўприк туманига қарашли Сарикўрғон қишлоғи худудидан оқиб ўдиган Сўх дарёсининг ўнг қирғоғи террасаларида (узoқ вақт мобайнида дарё ўзани ҳосил қиладиган зинасимон соҳиллар) қидирув ишларини олиб борди. Натижада, дарёнинг иккинчи террасасидан сўнгги палеолит даврида яшаган аждодларимиз томонидан ишлов берилган ўнлаб тош буюмлар йиғиб олинди. Ушбу буюмлар асосан қора ёки кулрангли кремнийлашган тош жинсларидан ишланган нуклеуслар (қуроллар яшаш учун тош парчалари синдириб олингандан кейинги қолдиқ маҳсулот – ўзак тошлар), тош қирғичлар ва кесгичларлардан иборат. Таъкидлаш жоизки, юқорида тилга олинган тош буюмларнинг барчаси сўнгги палеолит даври учун характерли бўлиб, бу Қўқон атрофидан топилган ушбу даврга оид иккинчи ёдгорлик эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Фарғонанинг тош даврига оид асосий ёдгорликлари Сўх дарёси ва унга туташ сойлардаги ғорлардан топилган ва агар уларга Сарикўрғондан топилган янги материалларни ҳам қўшиб ҳисобласак, Сўх дарёсининг ўта қадимийлигини, унинг атрофида ибтидоий одамлар яшаши учун қулай палеоэкологик шароитлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Дарёнинг иккинчи террасаси табиий ва антропоген таъсирлар туфайли бузилган. Натижада, бу ерда мавжуд бўлган очиқ типдаги сўнгги палеолит даври ёдгорлиги бузилиб кетган ва материаллар шу атрофда сочилиб ётади. Йиғилган материалларнинг кўпчилиги табиий таъсирлар оқибатида люстрацияга учраган. Бироқ, улар орасида бундай ўзгаришларга камроқ учраганлари ва типологик жиҳатдан ўқилиши мумкин бўлганлари ҳам мавжуд. Ушбу тош буюмлар асосан қора ва кул рангли кремнийлашган охактошлардан ишланган. Улар орасида сўнгги палеолит даврига хос бўлган нуклеуслар, қирғиччалар ҳамда кесгичлар учрайди. Ушбу топилмажойга Сарикўрғон 1 номи берилди, негаки, Сарикўрғон номи билан машҳур классик давр ёдгорлиги Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида мавжуд.

Шундай қилиб, Жонобод, Сарикўрғон 1 ва Туямозорбулоқ топилмажойлари Фарғона водийсидан топилган сўнгги палеолит даврига оид дастлабки ёдгорликлардир. Улар Фарғона водийси энг қадимги тарихидаги бўшлиқни тўлдиради. Туямозорбулоқ топилмажойи эса, Наманган вилоятидан

топилган қадимги тош даврига оид илк ёдгорлик ҳам ҳисобланиши мумкин.

Умуман олганда, Қўқон ва унинг атрофидаги ҳудудлардан юқорида тилга олинган сўнги палеолит даврига оид ёдгорликларнинг топилиши ва илмий муомалага киритилиши Фарғонанинг тош даври тарихидаги етишмаётган бўшлиқни тўлдиради, яъни Яйпан ва Сарикўрғон материаллари Фарғона ҳудудларидан топилган сўнги палеолит даврига оид илк ёдгорликлардир.

### References:

1. Заднепропетровский Ю.А. Неолит Центральной Ферганы // КСИА. Вып. 7. М., 1966.
2. Исламов У.И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент, 1988.
3. Исламов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур // ИМКУ. Вып. 19. 1984.
4. Анарбоев А.А., Сайфуллаев Б.К., Ражабов А.Ю. Фарғона ибтидоий давр тарихининг ёритилмаган бўғини. Ўзбекистон Археологияси №1(6) 2013